



jild. 3 No 1 (2026)

**MANAGEMENT AND ECONOMICS
SCIENTIFIC RESEARCH JOURNAL**

**MENEJMENT VA IQTISODIYOT
ILMIY-TADQIQOT JURNALI**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ
ЖУРНАЛ МЕНЕДЖМЕНТА И ЭКОНОМИКИ**



journals@timeedu.uz



+998 95 651 90 00



☎ +998 95 651 90 00

✉ journals@timeedu.uz

📍 Shota Rustaveli ko'chasi, 114

🌐 tmijournals.ndc-agency.uz

✈ TMII_ilmiy_bolim

Tahririyat jamoasi

BOSH MUHARRIR:

Narbayev Sharafatdin Kengeshovich

BOSH MUHARRIR O'RINBOSARI:

Norbekov Shohzod Mamarasul o'g'li

TAHRIR HAY'ATI

1. Sharipov Qo'ngratbay Avezimbetovich — O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vaziri, tfd, professor.
2. Axmedov Xojiakbarxon Dilshatovich — Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti rektori, ifn, dotsent.
3. Gulyamov Saidasror Saidaxmedovich — O'zbekiston Fanlar akademiyasi akademiyasi, ifd, professor.
4. Xotamov Ibodullo Sadulloyevich — Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Iqtisodiyot kafedrasida professori, ifn.
5. Sultonov Mansur Qilichovich — O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Ta'lim sifatini ta'minlash milliy agentligi ekspertlar guruhi rahbari, tffd, dotsent.
6. Chertovitskiy Aleksandr Stepanovich — "Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti" Milliy tadqiqot universiteti professori, iqtisodiyot fanlari doktori.
7. Popkova Yelenadyevna — Rossiya Gen "Ilmiy aloqalar instituti" avtonom notijorat tashkiloti prezidenti, iqtisodiyot fanlari doktori, professor.
8. Dr Go Khang Ven — Malayziyaning INTI xalqaro universiteti prorektori.
9. Wang Cheng — XXR "Hebei Institute of Mechanical and Electrical Technology" instituti iffd, dotsent.
10. Xakimova Nilufar Karimkulovna — O'zMU huzuridagi Yarimo'tkazgichlar fizikasi va mikroelektronika ilmiy-tadqiqot instituti PhD, ilmiy xodimi.
11. Yo'ldoshev Nuriddin Qurbonovich — Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Biznes boshqaruvi va moliya kafedrasida ifd, professor.
12. Chariyev Qurbon Amirovich — Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Iqtisodiyot kafedrasida professori, ifd.
13. Abduraimova Nigora Radjabovna — Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Iqtisodiyot kafedrasida dotsenti, iffd.
14. Anarqulova Gulnaz Mirzaxmatovna — Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Ijtimoiy-gumanitar fanlar kafedrasida professori, ifn.
15. Yakubov Sadiqjan Bakiyevich — Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Ijtimoiy-gumanitar fanlar kafedrasida professori, ifn.
16. Kadirova Istora Bobirovna — Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Karyera markazi direktori, iffd, dotsent.
17. Nosirova Nargiza Jamoliddin qizi — Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti doktoranti, iffd, dotsent.
18. Mamatov Narzullo Solidjonovich — "TIQXMMI" MTU kafedra mudiri, texnika fanlari doktori, professor.
19. Turaqulov Otabek Xolmirzayevich — Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Muhandislik va axborot texnologiyalari kafedrasida mudiri, tffd, dotsent.
20. Toirov Shuxrat Abduganiyevich — Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Muhandislik va axborot texnologiyalari kafedrasida professori vb, tffd.
21. Yusupov Rustam Abdimuratovich — Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Muhandislik va axborot texnologiyalari kafedrasida dotsenti, tffd.
22. Nazarov Xolmo'min Abduxobovich — Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Muhandislik va axborot texnologiyalari kafedrasida dotsenti, fmf.
23. Asrayev Muhammadmullo Abdulla o'g'li — Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Muhandislik va axborot texnologiyalari kafedrasida dotsenti, tffd.
24. Yunusova Shaxnoza Muxamedumarovna — Toshkent menejment va iqtisodiyot instituti Ijtimoiy-gumanitar fanlar kafedrasida dotsenti, fffd.

MUNDARIJA

Чертовичкий А.С., Нарбаев Ш.К.	Роль агроландшафтов в организации рационального использования земель в условиях перехода к "зеленой экономике"	4
Xotamov I.S.	Biznesning raqobatbardoshligini ta'minlash xususiyatlari	15
D.T.Muhamediyeva, Yu.Sh.Yuldoshev, F.A.Tagayev	Kvant kompyuterlari davrida post-kvant kriptografik algoritmlarini baholash	26
Omonturdiyev O. E., Abduraxmanova Z.T.	Oziq-ovqat bozori rivojlanishini prognozlash mexanizmini o'rganish metodikasi	36
Mamasoatov D.R.	Raqamli texnologiyalardan foydalanishning investitsion jozibadorligini baholash uslubiyoti	51
Содиков М.А.	Особенности стратегии дифференциации товаров и услуг	58
Mansurov A.A.	Methodological deficiencies and the integration of green accounting in uzbekistan's environmental audits: an operational analysis	63
Matchanova M.I., Matchanov T.M.	Plastmassa ishlab chiqarishda innovatsion salohiyat mazmuni va uning ishlash mexanizmi	77
Nasrullayev N.B., Toshpo'latov Sh.O.	Veb-ilovalarda xavfsizlik sarlavhalarining noto'g'ri konfiguratsiyasi: aniqlash va tahlil	86
Toshboyev M.M.	Mintaqa eksport salohiyatini shakllanishi va rivojlanishi omillari	97
Nurxonov N.Q.	Qashqadaryo viloyatida qishloq xo'jaligi mahsuloti hajmi ko'rsatkichlarini arima modeli yordamida prognozashtirish	107
Вахобов А.Р.	Суғурта аудитини такомиллаштириш масалалари	115
Qudratxo'jayev A., Tohirova M.D.	Hududlarda barqaror iqtisodiy o'sishni ta'minlashda "yashil" texnologiyalardan foydalanish	122
Asamxodjayeva Sh.Sh., Maxamadjonov D.P.	Sun'iy intellekt texnologiyalarining mashinasozlik sanoatiga ta'siri	132
Абдураимова Н.Р.	Влияние демографического роста на рынок труда в Узбекистане	142

СУҒУРТА АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Вахобов Абдурашид Расулович,

*“Тошкент менежмент ва иқтисодиёт институти” Иқтисодиёт номзоди
кафедраси доценти, иқтисод фанлари
E-mail: abdurashidvoxobov058@gmail.com
Orcid: 0009-0007-9568-7552*

Аннотация. Ушбу мақолада суғурта ташкилотлари аудитининг ўзига хос жиҳатлари, мавжуд муаммолар ва аудитнинг халқаро стандартларини жорий қилиш истиқболлари ёритилган ва амалий таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: суғурта ташкилотлари, суғурта ва қайта суғурта шартномалари, суғурта товонлари, суғурта захиралари, ички ва ташқи аудит, ишчи стандартлар.

Abstract. This article highlights the specific aspects of auditing insurance organizations, existing issues, and prospects for implementing international auditing standards. Practical recommendations and suggestions are also provided.

Keywords: insurance organizations, insurance and reinsurance contracts, insurance claims, insurance reserves, internal and external audit, working standards.

Аннотация. В данной статье рассматриваются особенности аудита страховых организаций, существующие проблемы и перспективы внедрения международных стандартов аудита. Также приведены практические предложения и рекомендации.

Ключевые слова: страховые организации, страховые и перестраховочные договоры, страховые выплаты, страховые резервы, внутренний и внешний аудит, рабочие стандарты.

Бугунги кунда суғурта бозор барқарорлигини таъминловчи
иқтисодиётининг молиявий муҳим тармоқлардан бири бўлиб
инфратузилмасини ташкил ҳисобланади.
қилувчи, мамлакат иқтисодиёти
ўсишининг узлуксизлиги ва

Суғурта соҳасини ривожланиши ўз навбатида қонунчилик базасини такомиллашуви, давлатнинг солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёстининг самарадорлиги, суғурта фаоляти назоратининг сифати ва суғурта ташкилотлари ишининг ишончлилигига боғлиқдир.

Ҳозирги кунда суғурта ҳимояси сифатини ошириш, унинг имкониятларидан ва сармоя ресурсларидан тўлиқроқ фойдаланиш учун ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа шарт-шароитлар яратиш зарурияти юзага келди. Ўзбекистон суғурта бозорининг ҳозирги ҳолати, унинг инфратузилмасини ривожланиш даражаси, суғурта компанияларининг амалдаги аудит тизимини халқаро стандарт ва меъёрларни жорий этиш йўли билан такомиллаштиришни талаб қилади. Ушбу муаммоларнинг ҳал этилиши ҳам мамлакатимиздаги суғурталовчилар фаоляти натижаларига ҳамда Республика суғурта бозори ҳолатига ижобий таъсирини кўрсатади.

Суғурта фаолятининг ривожланиши аудитнинг тўғри ташкил этилишига бевосита боғлиқдир. Суғурта фаоляти имкон қадар кўпроқ суғурталанувчилардан суғурта бадалларини йиғиб, муайян суғурта ҳодисалари юз берганда уларга кафолатланган суғурта тўловларини тўлаш орқали ўз

зиммаларига олган мажбуриятларни бажаришга, истиқболдаги тўловларини амалга ошириш учун зарур бўлган суғурта заҳираларини шакиллантиришга қаратилган. Ушбу жараён натижасида суғурта компанияларининг қўлида уларга тегишли бўлмаган маблағлар тўпланиб қолади. Суғурталовчининг молиявий таназзули кўплаб суғурталанувчиларнинг манфаатларига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам ушбу суғурта фаоляти юзасидан назорат қилиш тизимини такомиллаштириш лозимлигини юзага келтиради. Суғурта компаниялари фаолятини нафақат давлат органлари томонидан назорат қилиш, балки манфаатдор шахслар (корхона акциядорлари, таъсисчилари) томонидан ҳам ушбу корхоналар молиявий аҳволи тўғрисида ҳолис маълумотга эга бўлиш эҳтиёжи юзага келди. Суғурта фаолятини ҳолис экспертиза қилиш аудит хизмати томонидан амалга оширилади.

Суғурта компанияларини молиявий менежментини асосий функцияларидан бири молиявий назорат ҳисобланиб, унга бўлган эҳтиёж, суғурта бизнеси сифатини ошириш мақсадида ўсиб боради. Молиявий назоратнинг муҳим шаклларида бири аудит хизматини ташкил этиш ҳисобланади.

Суғурта ташкилотларида молия хўжалик фаолиятининг аудити ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг ички аудит текширувларидан тубдан фарқ қилади.

Улар қуйидагилардан иборат :

- суғурта компаниялар фаолияти қонунийлигининг аудити.
- тузилган суғурта шартномаларининг аудити.
- қайта суғурта операцияларининг аудити.
- суғурта даъволари ва суғурта товонларининг аудити.
- суғурта захираларини ташкил этиш ва жойлаштирилишининг аудити.
- суғурта компанияларининг инвестиция фаолияти аудити.
- иш юритиш харажатларининг аудити.
- суғурта иштирокчилари фаолиятининг аудити.

Суғурта фаолияти қонунийлигининг аудити таъсис ҳужжатларининг давлат руйхата олиш ҳужжатлари ва суғурта ташкилотига рухсат этилган суғурта тури билан ва лицензияга мувофиқ суғурта фаолияти билан шуғулланаётганлигини текшириш ҳисобланади.

Суғурта аудитининг ўзига хос жиҳатлари юзасидан бир қатор олимлар, жумладан:

М.Абдураимова, Х.Рахимов,
К.Кундузова, У.Ширинов,
С.Абдусаидовлар илмий
изланишлар олиб боришган.

Суғурта ташкилотларида аудит ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ёхуд суд қарори билан суғурта фаолияти билан шуғулланишга берилган лицензия тўхтатилмаганлигига этибор бермоқлиги лозим, Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида” ги қонуннинг 43 моддасига мувофиқ “Суғурталовчи (қайта суғурталовчи) лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туриш унинг янги суғурта (қайта суғурта) шартномаларини тузишини, шу жумладан амалдаги суғурта (қайта суғурта) шартномаларини узайтиришни таъқиқлашга сабаб бўлади.” [1.17]

Суғурта шартномаларини аудит қилиш жараёнида тузилган суғурта шартномалари лицензияда кўрсатилган турига мувофиқлигига аҳамият бериш лозим.

Тузилган суғурта шартномалари лицензияда рухсат этилган суғурта класларига ва суғурта шаклига мос ва қонун ҳужжатлари ҳамда ички меъёрий ҳужжатларга мувофиқлиги текширилади.

Суғурта ва қайта суғурта шартномаларини аудитини

ўтказиш чоғида қуйидагиларга эътибор қаратилади:

-суғурта шартномаларининг рўйхатга олиш журналида суғурта шартномаларини ўз вақтида расмийлаштирилганлиги ва олинга суғурта мукофотлари ўз вақтида тегишли бухгалтерия хужжатларида қайд этилганлиги;

-суғурта тарифларини тўғри ҳисобланганлиги;

-суғурта шартномаларининг(бошланиши ва тугаш) муддати ва суғурта мукофоти суғурта шартномаси муддати тугаганда ёки суғурта ҳодисаси содир бўлгандан сўнг олинмаганлиги;

-суғурта агентлари томонидан олинга суғурта мукофотлари ўз вақтида топширилганлиги;

-қаътий ҳисобдаги иш қоғозларини ҳисоби ва ҳисобдан чиқарилиши;

-суғурта мукофотлари ҳисоб китоб счётига ёки кассага кириш қилиниши;

-бекор қилинган суғурта шартномаларининг асослилигини;

“Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низом” [2.16] талабларига амал қилган ҳолда қайта суғурта операцияларининг аудит текширувини ўтказиш амалга оширилади. Бунда қайта суғурта операцияларидан олинган ва тўланган қайта суғурта комиссияси, танъемаларнинг

асосланганлиги ва тўғрилигига эътибор қаратиш лозим.

Суғурта товонларининг аудит текшируви:

-суғурта даъволарини аудит қилиш жараёнида ташкилотнинг суғурта даъволарига таълуқли ички меърий хужжатлари билан танишиб чиқиш лозим. Бунда суғурта даъволари ва суғурта товонлари хужжатларини рўйхатга олинганлиги ва суғурта товонини аниқлаш бўйича хужжатлар тўпламини тўлиқ ва асослилиги текширилади.

Суғурта даъволарининг аудитини қўриб чиқишда белгилан қонун доирасида барча тегишли хужжатлар расмийлаштирилганлигини текширишда қуйидагиларга аҳамият берилади:

-суғурталанувчилар томонидан ўз вақтида суғурта ҳодисаси тўғрисида ариза топширилганлиги;

-суғурта аризаларини рўйхатга олиш журналида суғурта аризалари ўз вақтида рўйхатга олинганлигини;

-суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатномани ўрнатилган тартибда расмийлаштирилганлиги;

-суғурта товонлари тўғри белгиланганлиги ва ўз вақтида тўланганлиги;

-суғурта товонлари бухгалтерия ҳисобида тўғри акс этирилганлиги.

Суғурта захираларини ташкил этиш ва жойлаштирилишини аудит

текширувини ташкил этишда “Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низом” [3.24] талабларига тўлиқ амал қилиниши аудитор томонидан текширилиши лозим.

Шунингдек, “Суғурталовчилар томонидан харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантиришнинг ўзига ҳос хусусиятлари тўғрисидаги низом” [4.13]га мувофиқ кайта суғурталаш шартномалари бўйича суғурта мукофотлари суғурта захираларига тўғри олиб борилганлигига этибор қаратиш лозим.

Суғурта фаолияти аудитини ташкил этишда амалиётда бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, жумладан:

-ҳозирги кунда суғурта ташкилотларида ички аудитни ташкил қилишнинг услубий асослари (ўқув қўлланмалар, адабиётлар ва х.к.) тўлиқ ишлаб чиқилмаган ва услубий таъминлаш хаддан ташқари марказлашган.

-йирик суғурта компанияларида ички аудит бўлими штат жадвалидаги аудиторлар сонини молиявий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши сабабли камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ва таҳлил қилиш учун етарли вақт ажрата олмаслик натижасида филиалларда ички назорат тизими фаолиятини такомиллаштириш бўйича

таклифлар тайёрлашда баъзи муаммолар юзага келади.

-ички аудит билан ички назорат фаолияти бир бири билан боғлиқ бўлсада, суғурта компаниялари томонидан аудит билан назорат ўртасидаги туб тафовутларга етарлича эътибор берилмаётганлиги аудитнинг ўзига ҳос имкониятларидан амалда самарали фойдаланишга тўсқинлик қилиб келмоқда. Афсуски, кўпгина раҳбарларда аудитга нисбатан маъмурий-буйрукбозлик ва бошқарув тизимининг жазоловчи воситаларидан бири сифатида қараш ҳолатлари ҳали ҳам сақланиб келяпти. Ҳозиргача ички аудит хизмати суғурта ташкилотларининг назорат тизимини такомиллаштирувчи ва молиявий ҳолатини барқарорлаштиришга кўмаклашувчи тизим эканлиги амалиётда яққол намоён бўлаётгани йўқ.

Юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф қилиш ва суғурта ташкилотларида аудит хизматини такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни таклиф қиламиз:

Суғурта ташкилотларида ички аудит текширувларини автоматлаштирилган тизимини яратиш орқали текширишларга сарфланадиган вақтни қисқартирган ҳолда текширишлар сифатини ва қамров доирасини

ошириш, суғурта компанияси ва унинг филиалларида йўл қўйилган камчиликларни максимал даражада аниқланишини таъминлаш ҳамда йўл қўйилиши мумкин бўлган камчиликларнинг олдини олиш имконияти яратилади.

Камчиликларни аниқлашнинг дастурий йўллари белгилаб берилиб, у дастурий мажмуа яратувчиларга, талаб қилинган маълумотларни маълумотлар ягона базасидан олиш бўйича зарурий дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш мақсадида тақдим этилади.

Ички аудит бўлими томонидан таркибий тузилмаларини текширувдан ўтказиш жадвалига асосан текширишларга чиқишдан олдин текшириш ўтказиш объекти (филиал, таркибий бўлим)га тегишли барча маълумотларни маълумотлар ягона базасидан олинади.

Маълумотлар ягона базасидан олинган барча зарурий маълумотлар дастлабки таҳлилдан ўтказилади ва текшириш гуруҳи учун аудит ўтказиш ҳажми белгиланади.

Ички аудит бошқармаси ходимлари текширишлар ўтказиш учун филиалларда ва Бошқарув аппаратида дастурий йўл билан аниқланган шубҳали операциялар тўғрисидаги маълумотларни танлаб олиб, ушбу маълумотлар билан боғлиқ барча бирламчи ҳужжатларни текширишдан

ўтказиш ва мазкур операциялар тўғри ёки нотўғрилигига объектив баҳо берилади.

Хулоса. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларида суғурта ташкилотларини текширишнинг ўзига хос хусусиятлари инobatга олинмаган. Бу амалиётда бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу боис, суғурта ташкилотларини аудиторлик текширувини ўтказишда фойдаланиш мақсадида аудиторлар учун махсус аудитнинг ишчи стандартлари ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Суғурта компаниялари ички аудит ходимлари малакасини халқаро стандартлар талабларидан келиб чиққан ҳолда мунтазам ошириб боришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Суғурта бозори профессионал иштирокчилари ассоциацияси, Аудиторлар Палатаси билан ҳамкорликда киска муддатли малака ошириш курсларини ташкил қилиниши лозим деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятининг иккита йўналиши бўйича малака аттестатлари ва лицензиялар берилиши назарда тутилган:

- умумий аудит (хўжалик юритувчи субъектлар бўйича аудит ўтказиш)

- банк аудити.

Бизнингча суғурта фаолиятини ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, суғурта аудитини алоҳида йуналиш сифатида ажратилиши ва малака аттестатлари ва лицензиялар олиш учун қўшимча талаблар белгиланиши лозим.

Ҳозирги кунда амалиётда Суғурта ташкилотларида ички аудит хизматининг фаолияти миқдорий кўрсаткичларга қараб баҳоланиб келинмоқда. Бунда ички аудит бўлими томонидан ўтказилган текширишлар сони, ундирилган ноқонуний тўловлар миқдори, кўрилган жазо чоралари

Суғурта аудити умумий аудит йуналиши таркибига киритилган.

кабилар. Ички аудит хизмати бошқарув назорат тизимининг муҳими бўғини эканлигидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг фаолият самарадорлигини миқдор кўрсаткичлари билан бирга сифат кўрсаткичлари, яъни суғурта ташкилотининг молиявий-иқтисоодий кўрсаткичлари билан боғлиқ ҳолда баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, суғурта ташкилотларида ички аудит хизмати самарадорлигини белгиловчи мезонлар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида» ги Қонуни. [Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.11.2021 й., 03/21/730/1089-сон].

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 12 майда 1806-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низом” [Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 20-21-сон].

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 15 декабрда 1882-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низом” [Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 52-сон.]

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 13 августда 3549 -сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Суғурталовчилар томонидан харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги низом” [Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 14.08.2024 й., 10/24/3549/0615-сон.]

Ingliz tili muharriri: Norbekov Shohzod Mamarasul o'g'li
Sahifalovchi va dizayner: Zoirov Sardor Ziyodin o'g'li

2026. № 1

© Materiallar ko'chirib bosilganda, **"Management and Economics Scientific Research Journal"** jurnali manba sifatida ko'rsatilishi shart. Jurnalda bosilgan material va reklamalardagi dalillarning aniqligiga mualliflar mas'ul. Tahririyat fikri har vaqt ham mualliflar fikriga mos kelmasligi mumkin. Tahririyatga yuborilgan materiallar qaytarilmaydi.

Mazkur jurnalda maqolalar chop etish uchun quyidagi havolalarga maqola, reklama, hikoya va boshqa ijodiy materiallar yuborishingiz mumkin.

Materiallar va reklamalar pulli asosda chop etiladi.

El. pochta: journals@timeedu.uz

Tel.: +998 95 651 90 00

"Management and Economics Scientific Research Journal" jurnali 19.09.2024-yildan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 404368-son reyestr raqami tartibi bo'yicha ro'yxatdan o'tkazilgan. Litsenziya raqami:

C-5669639

PNFL: 308906510

Manzilimiz: Toshkent shahar Yakkasaroy tumani
Shota Rustaveli ko'chasi, 114